



“Сарик Девни Миниб” Романида Ёзувчи Биографияси Ва Бола Руҳиятининг Ифодаланиши

Абдуллаев Фулом

*Алишер Навоий Номидаги Ўзбек Тили Ва Адабиёти Университети Олий Адабиёт Курси
2-Босқич Магистранти*

Аннотация: Мақолада ўзбек болалар адабиётининг етакчи намояндаси Худойберди Тўхтабоев ижодига тўхтаб ўтилган. Унда адиб табиатида оид хусусиятларнинг бола-қаҳрамонлар тасвирига кўчгани, “Сарик девни миниб” романида комизм етакчилик қилиши сингари жиҳатлар очиб берилган. Мақолада болалар адабиёти ва бола руҳиятига оид илмий манбаларга мурожаат қилинди.

Калит сўзлар: Болалар адабиёти, болалар адиби, бола руҳияти, бадиий асар, комик ҳолатлар, бола қаҳрамон, комизм, ифода.

Ўзбек болалар адабиёти узоқ йиллардан бери ёш китобхонлар учун кўплаб бадиий асарларни тақдим қилиб келмоқда. Ушбу асарлар орасида болалар қалбидан чуқур ўрин эгаллаб келаётганлари ҳам мавжуд. XX аср ўзбек болалар адабиётининг энг йирик намояндаси ҳисобланмиш Худойберди Тўхтабоев ўзидан унутилмас асарлар қолдириб, ўзбек болалар адабиётини юксак поғоналарга кўтради. Адибнинг биргина “Сарик девни миниб” асари дунёнинг 30 дан ортиқ тилига таржима қилингани фикримиз исботи бўла олади.

Адабиётда қаҳрамонлар руҳиятининг ўрганилиши масаласи кўплаб тадқиқотларда ўз аксини топган. А.Алимухамедов, Ҳ.Умуров, Д.Қуроноф, Б.Каримов, М.Бобохоновлар томонидан ёзилган китоб, мақола ва диссертацияларда бадиий адабиётда инсон муаммоси, унинг руҳияти, ички олами каби масалалар батафсил ёритилган¹. Бироқ айнан болалар адабиётида руҳиятнинг акс этиши муаммоси Р.Тўлабоевнинг диссертациясида махсус тадқиқ этилган².

Бола руҳияти болалар адабиётининг бош проблематикасини ташкил этиши, албатта, аҳамиятли. Зеро, бола қаҳрамоннинг руҳий дунёси, кечинмалари ёш китобхон учун ҳамиша қизиқ бўлиб келган. Шу маънода мақоламизда тилга олинган мавзуда ҳам айни бола руҳияти масаласига мурожаат қилинди. Худойберди Тўхтабоев яратган қаҳрамонлар нафақат ижтимоий муносабатлар фонида, балки боланинг руҳиятини теран акс эттирган

1 Алимухамедов А. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида психологик тасвир // Ўзбек адабий танқиди (Антология). Тошкент, Тирон-Iqbol, 2011. 544 б. Б. 51-64. Умуров Ҳ. Бадиий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги. – Тошкент, Фан, 1983. Қуроноф Д. Роман ҳақида айрим мулоҳазалар. 22.03.2013 web: www.ijod.uz. Каримов Б. Руҳият алифбоси. Тошкент, F.Фулом номидаги НМИУ, 2016. – Б 178.

Бобохонов М. Ҳозирги ўзбек кинесачилигида психологизм. Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2012. – Б.18.
2 Тўлабоева Р. Худойберди Тўхтабоев романларида бадиий психологизм. Филол. фан. бўйича PhD илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2019.



асарлар сифатида ҳам ўзбек адабиётида яшаб келмоқда. Фақатгина болалар учун ижод анъанаси кўп бўлмаса-да адибларимиз ижодининг чўққиларига айланиб улгурган.

Бу ҳақда ёзувчининг ўзи шундай дейди: “Руҳи – дунёси пок бўлган, тарбияга кулок соладиган, савоб ва гуноҳни билишга интилаётган, руҳи гўзалликка талпинаётган болалар дунёсида ишласам қалай бўларкан, деб ўйлай бошладим ва қарор ҳам қабул қилдим. Болалар, ўсмирлар дунёсига паққос ўтиб кетдим. Собиқ “Ёш гвардия” нашриёти, “Гулхан”, “Ёш куч” журналлари, “Истеъдод” жамғармаларида раҳбар лавозимларида ишлаб, бола ва ўсмир руҳидаги гўзалликни ҳимоялашга эътибор бердим”³.

Ёзувчининг маҳорати, узоқ давом этган изланишлари, бола руҳиятини яхши ўргангани, болаларга бўлган муҳаббати – буларнинг барчаси унинг ғаройиб қаҳрамонларида бўй кўрсатди. Бу қаҳрамонларни бугунги кунда болалар характерининг намунаси сифатида бемалол кўрсатиш мумкин.

Худойберди Тўхтабоев табиатан болалардек беғубор, самимий инсон сифатида болалар даврасида кўп бўлган ижодкор эди. Унинг қаҳрамонлари ўзи кузатган, ҳамсухбат бўлган, ҳаётда дуч келган болалар бўлиб, кўпинча асарларидан жой эгаллади. “Сариқ девни миниб” асари қаҳрамони бўлмиш Ҳошимжон ҳам адиб ўзи кўплаб кузатган ва учратган болаларнинг образи ўлароқ майдонга келгани айни ҳақиқат.

Худойберди Тўхтабоев болалар адиби сифатида ёш китобхонларнинг қалби ўта жиддийликдан бироз ҳоли бўлиши, улар табиатан кулги-ҳазилга яқин бўлишини тўғри ҳисобга олган, бу борада адибнинг ўзи ҳам табиатан ҳазил-мутойибага, беғубор кулги уйғотувчи суҳбатларга мойил эди. Ҳошимжоннинг характеридаги комизм, беғубор ҳазил-мутойибалар “Сариқ девни миниб” асарининг бош планида намоён бўлди:

“Чиндан ҳам уйқум келиб қолган экан, бошимни ёстикқа қўйишим билан пишиллаб ухлаб қолибман. Тонг сахарда, ҳали ҳаммаёқда хўрозлар басма-басга қичқиришаётган бир пайтда бувижоним турткилаб уйғота бошлади.

- Турсанг-чи, кўзинг очиғу ўзингни ухлаганга соласан-а.
- Ҳали эрта-ку, бувижон, — дейман кўзимни очгим келмай.
- Намоз ўқиймиз, тур, болам.
- Кеча олқидик-ку, тагин ўқиймизми?”⁴.

Бу каби тасвирлар, қаҳрамоннинг баъзан ўйламай айтиб юборган сўз-у ибораларини танқид қилишдан кўра, бола табиатига хос чечанликнинг ифодаси, юзага келган комик вазият деб баҳолаш, бизнигча, тўғрироқ бўлади.

“... комизмга бадий асарда қаҳрамон руҳиятини энг ёрқин акс эттирувчи восита, деб баҳо беришимиз мумкин”⁵.

“Сариқ девни миниб” романида ҳаётбахш руҳ, ҳазил-мутойиба кайфияти, жонли, ҳаракатчан қаҳрамонлар фаолияти етакчилик қилади. Улар болалар дидига, руҳий-маънавий эҳтиёжига ниҳоятда мос келган⁶.

3 Мирвалиев С., Шокирова Р. Ўзбек адиблари. – Тошкент, Фан, 2007. – Б.125-126.

4 Х.Тўхтабоев. Сариқ девни миниб. Тошкент, Яни аср авлоди, 2010. Б.108.

5 Тўлабоева Р. Худойберди Тўхтабоев романларида бадий психологизм. Филол.фан.бўйича PhD илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2019.

6Расулов А. Бетақорр ўзлик. – Тошкент, Мумтоз сўз, 2009. – Б.166.



Умуман олганда, Худойберди Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб” романи ёзувчи ўзлигини, руҳий оламини ўзида акс эттирган бадиийт намунаси ҳисобланади. Унда адибнинг табиатидаги беғуборлик, софлик, ҳозиржавоблиг-у, кулги-ҳазилга мойиллик ўз ифодасини топган. Ўзбек болалар адабиётининг бебаҳо намунаси бўлмиш “Сариқ девни миниб” романи бола руҳияти, қалбини теран ифодадай олган асар сифатида адабиёт майдонида қолишга ҳақлидир.

Адабиётлар:

1. Алимухамедов А. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида психологик тасвир // Ўзбек адабий танқиди (Антология). Тошкент, Турон-Иқбол, 2011. 544 б.
2. Умурув Ҳ. Бадиий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги. – Тошкент, Фан, 1983.
3. Қуронов Д. Роман ҳақида айрим мулоҳазалар. 22.03.2013 web: www.ijod.uz.
4. Каримов Б. Руҳият алифбоси. Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2016. – Б 178.
5. Бобохонов М. Ҳозирги ўзбек қиссачилигида психологизм. Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2012.
6. Тўлабоева Р. Худойберди Тўхтабоев романларида бадиий психологизм. Филол.фан.бўйича PhD илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2019.
7. Мирвалиев С., Шокирова Р. Ўзбек адиблари. – Тошкент, Фан, 2007.
8. Х.Тўхтабоев. Сариқ девни миниб. Тошкент, Яни аср авлоди, 2010.
9. Расулов А. Бетакрор ўзлик. – Тошкент, Мумтоз сўз, 2009.